



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (11.878)

Баҳоси эркин нархда

## ТОШКЕНТДА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН НАВБАТДАГИ «ЕВРОПА ИТТИФОҚИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ» УЧРАШУВИГА ДОИР

Тошкент шаҳрида 2011 йил 7 апрель куни ташқи ишлар  
вазирлари даражасида навбатдаги «Европа Иттифоқи —  
Марказий Осиё» учрашуви бўлиб ўтади.

Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари делегацияларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Элёр Ганиев, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Хамрохон Зарифий, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Константин Жигалов раҳбарлик қилади.

Европа Иттифоқи томонидан Венгрия ташқи ишлар вазири (Европа Иттифоқи раислик қилаётган мамлакат сифатида) Янош Мартони, Европа Иттифоқининг ривожланиш бўйича комиссари Андриис Пиебалгс ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морел иштирок этади.

Учрашув чоғида Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан Янги шериклик стратегиясини амалга ошириш доирасида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги му-

носабатларнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларига доир, савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда энергетика, атроф-муҳит, сув ресурсларидан фойдаланиш, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ва наркотрафикка қарши курашиш соҳасида минтақавий ҳамкорликка оид масалаларни муҳофизат қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Афғонистондаги вазият ҳамда минтақавий хавфсизликка оид томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасида фикр алмашилади.

**Ўзбекистон Республикасининг мамлакатда демократик жамият асосларини мустаҳкамлаш ва халқаро майдондаги мавқеини янада кучайтириш борасида изчил амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсати доирасида хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манfaatли икки томонлама алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ана шундай ҳамкор ташкилотлар сирасига Европа Иттифоқини ҳам киритиш мумкин. Зеро, мамлакатимиз билан мазкур ташкилот ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва маданий-инсонпарварлик алоқалари ҳамда минтақавий ва экологик хавфсизликни таъминлаш каби масалалар устувор йўналишлардандир.

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан муносабатлари асоси 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Европа ҳамжамиятлари комиссияси (ЕҲК) ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши орқали яратилди. 1994 йил 16 ноябрда томонлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

1996 йил апрель ойида Европа Иттифоқи Комиссари Х.Ван ден Брук Ўзбекистонга ташриф буюрди ва мамлакатимиз Президентини Ислон Каримов томонидан қабул қилди.

1996 йил июнь ойида Европа Иттифоқининг Флоренцияда бўлиб ўтган давлат раҳбарлари даражасидаги саммити чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида ўзаро сиёсий мулоқот йўлга қўйилиб, Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи алоқаларининг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислон Каримовнинг 1996 йил ноябрда Бельгияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида Европа Иттифоқи Комиссари Ж.Сантер ва Европарламент раиси К.Хэнш билан учрашувлар ўтказилди.

2010 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Европа Иттифоқининг ривожланиш бўйича комиссари А.Пиебалгс расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф асносида у Президент Ислон Каримов билан музокаралар ўтказди.

2011 йил 24 январда Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг Брюсселга амалга оширган расмий ташрифи томонлар ўртаси-

даги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ташриф чоғида Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳаларда тенг ва ўзаро шерикликка асосланган ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манfaatдор эканини намойиш этди.

Ташриф доирасида Европа Иттифоқи Комиссияси президенти Ж.М.Баррозо ва Европа Иттифоқининг энергетика бўйича комиссари Г.Эттингер билан музокаралар ўтказилди.

Музокаралар чоғида Европа Иттифоқи Комиссияси раҳбари Ўзбекистоннинг дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган иқтисодий ўсиш суръатларига алоҳида урғу берди. Шунингдек, у 2010 йил 12 ноябрда Президент Ислон Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Европада катта қизиқиш билан қарши олинганини қайд этди.

Европа Иттифоқи Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёлларнинг сув манбаларидан фойдаланиш борасида прагматик ёндашув тарафдори бўлиб, манfaatдор томонларнинг сув ва энергетика масалаларида ўзаро ҳамжихатликда ҳамкорлик қилиш бўйича экологик мувозанатни сақлаш ҳамда трансчегаравий дарёлларнинг сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланишга доир барқарор ва ошқорча механизмларни ишлаб чиқишини қўллаб-қувватлайди.

Ташриф давомида Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда Европа Иттифоқи комиссиясининг 2011-2013 йилларга мўлжалланган техник ёрдам кўрсатиш бўйича индикатив лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Кўргазмалар

## САНОАТ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

КЕЧА «Ўзэкспомарказ» миллий  
кўргазмалар мажмуасида «Industria Expo  
Uzbekistan» еттинчи халқаро саноат  
ҳафталиги ўз ишини бошлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ҳафталик бир неча саноат кўргазмаларини бирлаштирган бўлиб, 7-халқаро иқтисослашган «MashExpo Uzbekistan», 5-халқаро иқтисослашган «Лаборатория экспo», 2-халқаро тоғ-кон саноати учун ускуналар, технологиялар ва хизматлар — «MinigExpo Uzbekistan», 2-иқтисослашган чиқиндилардан фойдали нарзалар олиш бўйича халқаро «WascoExpo Uzbekistan», 7-халқаро энергетика ҳамда кимё кўргазмалари шулар жумласидандир.

Кўтаринки руҳда ўтказилаётган ва ташриф буюрувчиларнинг эътиборини тортаётган ушбу халқаро тадбир Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзстандарт» агентлиги, Табиати муҳофазат қилиш, геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагидан фойдаланиб «ZarExpo» кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Мазкур кўргазмаларда мамлакатимиз ҳамда Украина, Қозоғистон, Россия, Германия, Австрия, Литва, Финляндия, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Канада сингари давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, кўргазмада саноатнинг барча тармоқлари учун ускуна ва технологияларни тақдим этаётган эронлик саноатчиларнинг мил-

лий стендининг илк тақдироти ҳам ўтказилди. Ўтказилаётган саноат ҳафталиги саноатдаги энг муҳим йўналишларни бирлаштирувчи Ўзбекистондаги ягона кўргазма ҳисобланиб, унда намойиш этилаётган маҳаллий корхоналаримиз, МДХ ва узоқ хориж мамлакатларининг замонавий технология ҳамда ускуналари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Халқаро саноат кўргазмасининг аҳамияти ҳусусида тўхталиш жоиз бўлса, унинг ўтказилиши маҳаллий ва чет эл компанияларининг энергетика, кимё, машинасозлик, чиқиндилардан фойдали нарзаларни олиш, яъни халқ ҳужалигининг мазкур ва бошқа қатор тармоқлари учун керакли бўлган замонавий ускуна ҳамда материалларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, илгор технологияларни яратиш, дистрибуцияда эришилган натижалардан бохабар бўлиш имкониятини беради.

Бир сўз билан айтганда, уч кун давомида ўтказиладиغان саноат кўргазмалари ўзаро ҳамкорлик ва фойдали мулоқотларда муҳим аҳамият касб этади, тижорат ва ишлаб чиқариш компаниялари саноат бозорининг ишлаб чиқарувчилари ҳамда истеъмолчилари ўртасидаги амалий ҳамкорликдаги сазъ-ҳаракатларини бирлаштиришда ўзига хос ўрин тутайди.

Шарифа ИЛЁСОВА  
Козим Ўлмасов  
олган сурат

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар  
ҳокимлигининг Аxbорот  
хизмати ва ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

✓ **БУГУН** Адлия вазирлигида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган ўқув-семинари ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида Шайхонтохур тумани хотин-қизлар кўмитаси, «Истикболли авлод» ёшлар ташкилоти, Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги Республика иқтисослаштирилган касб-хунаро коллежида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида «Соғлом турмуш тарзи ва саломатлик» шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси ташаббуси билан «Аҳоли жамғармалари мобилизацияси» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси, республика-миздаги барча тижорат банклари, кредит ташкилотлари ва Германия молия муассасалари мутахассислари қатнашишди.

• Қарши шаҳрида «Ўзбекистонда 2010 йилда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Республикаимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳияти, ушбу ислохотларнинг 2010 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги бўйича яқунлари таҳлил этилди.

• Бухорода «Қадриятларни қадрлай-миз!» шиори остида Вилоят ёшлари фестивали ўтказилди. «Қамолот» ЕИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбир доирасида «Миллий ўйинлар», «Наврўз дастурхони», «Наврўз — менинг нигоҳимда» расмлар танловлари ўтказилди, ёш хунарманд ва тадбиркорлар кўргазмаси, баҳор таомлари сайли эса иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

• Чирчиқ шаҳрида олий ва ўрта махсус, касб-хунаро таълими муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу тадбирда ҳудуддаги 56 та корхона ва ташкилот 460 та бўш иш ўрни билан қатнашди ва ярмарка якунида 203 нафар фуқаро шу куннинг ўзидаёқ иқтисосликлари бўйича ишга жойлашди.

• Академик ва халқ бадийий жамоалари дирекцияси Бухоро вилояти бўлими хузуридаги «Мавриди» ансамбли Голландия ва Бельгияда ижодий сафарда бўлди. Ушбу сафар давомида юртдошларимиз Амстердам, Антверпен, Утрехт сингари йирик шаҳарларда концерт дастурини намойиш қилдилар.

• Кўргонтепа туманидаги Савай қишлоғида жойлашган спорт мактаби мукамал таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда «Иқтисослашган водий бунёдкори» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари 114 миллион 467 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

## ЖАҲОНДА

• Савдо музокараларида қатнашган АҚШ вакилининг таъкидлашича, Россия икки йил ичида Бутунжаҳон савдо ташкилоти аъзолигига қабул қилинади.

• Сомалининг Кения билан чегара ҳудуди — жанубий музофотларида Азания деб номланган янги давлат пайдо бўлди. Мустақил Азания давлатининг ташкил этилгани Кения пойтахти Найроби шаҳрида бўлиб ўтган тантанали маросимда эълон қилинди. Мамлакат президенти эди Мухаммад Абди Ганди сайланди. У ўтган йили Сомали мудофаа вазири сифатида фаолият кўрсатган эди. Тез орада Азияда ҳукумат ва парламент тузилади.

• Япониянинг «Фукусима-1» АЭСи Терсо компания-оператори 11 минг 500 тонна радиоактив сувни денгизга оқизишни режалаштиряпти. Компания вакиллари айтишича, бу чора радиоактив изотоплар билан янада чуқурроқ ифлосланган сувга жой бўшатиш учун керак. Япония атом энергетикаси вазирлиги денгизга оқизилмоқчи бўлинаётган сувнинг одамлар учун мутлақо хавфсиз эканлигини билдирди.

• Австралия ҳукумати ўз расмий ҳисоботида жорий йил бошидан қузатилган циклон, тўфон ва сув тошқини каби табиий офатлар оқибатида мамлакат иқтисодиёти 9 миллиард долларга тенг молиявий зарар кўрганини эълон қилди.

• Кеча Япониянинг Хонсю оролида Рихтер шкаласи бўйича 4,5,-5,2 балл кучга эга учта zilзилга содир бўлди.

• Конго Демократик Республикаси пойтахти Киншаса шаҳри аэропортида самолёт ҳалокатга учради. Оқибатда 32 киши қурбон бўлди, деб хабар берди, «Франс-пресс» аxbорот агентлиги. Тахминларга кўра, воқеа ноқулай об-ҳаво шароити туфайли содир бўлган.

ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташриф якунларига кўра айтиш мумкинки, у Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларнинг улкан салоҳиятини очишда кенг имкониятлар яратди ҳамда устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун юқори технологияларни етказиб бериш, инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш орқали Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар ва тизимли ўзгаришлар жараёнида иштирок этишга тайёр эканини кўрсатади.

Ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси, юқорида таъкидланган икки томонлама ҳужжатлар билан бир қаторда Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда Атом энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни ҳам ўз ичига олади.

Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи муносабатларини мувофиқлаштирувчи бешта қўшма муассаса фаолият юриштирилмоқда. Яъни, Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик кўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик кўмитаси, Савдо ва инвестициялар бўйича ёрдамчи кўмита, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа масалалар бўйича ёрдамчи кўмита шулар жумласидандир.

Мазкур муассасаларнинг вазифалари тегишли соҳалар бўйича муносабатларнинг амалдаги ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, уларни янада ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, Европа Иттифоқидаги ички сиёсий вазият билан боғлиқ масалалар, Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорлик қилиш шунингдек, ҳар иккала томоннинг манфаатларига мос келадиган халқаро масалалар бўйича фикр алмашишдан иборат.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шериги бўлиб, мамлакатимизнинг ташқи савдо алоқаларида иккинчи ўринни эгаллайди. 2010 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳамми 1965,0 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан, экспорт — 547,8 миллион АҚШ доллар, импорт — 1418,0 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Ўзаро товар айланмаси ҳамми 2009 йилдаги кўрсаткич билан қиёсланганда, 1,2 фоизга ўсди. Шу билан бирга, икки томонлама савдо-сотикни кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжуд.

Юртимизда Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлардан келган шериклар иштирокида 821 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 612 таси қўшма корхона бўлиб, 209 таси 100 фоизлик Европа маблағ асосида иш олиб бораётди. Ўзбекистон Европа Иттифоқи томонидан хорижий мамлакатлар учун яратилган энг кўп қўлайлик тизимидан фойдаланиш имкониятига эга давлатлар қаторига кирилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларга кўмаклашиш мақсадида Европа Иттифоқи 1992 йилдан буён республикамизда Европа Ҳамжиатлари комиссиясининг техникавий ёрдам лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон мазкур ҳамкорлик доирасида Европа Иттифоқининг чегаралар хавфсизлигини таъминлашга ихтисослаштирилган БОМ-КА, наркотик моддаларга қарши курашишга йўналтирилган КАДАП, транспорт масалалари бўйича ихтисослашган ТРАСЕКА, энергетика масалалари бўйича ИНОГЕЙТ каби минтақавий дастурларида, шунингдек, таълим йўналишидаги ТЕМПУС ва илм-фан йўналишидаги Еттинчи доиравий дастури каби ихтисослаштирилган лойиҳаларида фаол иштирок этапти.

Европа Иттифоқи ташаббуси билан 2004 йилда ташкил топган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё»

минтақалараро мулоқоти доирасида ташқи ишлар вазирлари даражасида тўртта учрашув ўтказилди. Уларда 2007 йил 21 июнда Брюсселда Европа Иттифоқи аъзо давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан тасдиқланган «Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шериклик стратегияси» (Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга оид стратегияси) номли концептуал ҳужжати ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжатнинг тақдироти 2007 йил 30 июнь куни Берлинда ўтказилди. Шунингдек, Париж ва Брюсселда «Европа Иттифоқи - Марказий Осиё» ташқи ишлар вазирлари даражасидаги форумлар ташкиллаштирилиб, уларда минтақалараро ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти, барқарорлиги ҳамда сўнгги йилларда эришган иқтисодий тараққиётининг юқори суръатини инобатга олган ҳолда, Европа Иттифоқи ушбу Стратегияни тўлақонли амалга оширишда мамлакатимизга минтақадарги ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарайди.

2011-2013 йиллар мобайнида Европа Ҳамжиатлари комиссияси юртимиз ҳамда бутун минтақага қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини, икки томонлама савдо-сотик, кичик ва ўрта бизнес, энергетика, атроф-муҳит, фан ва таълим каби соҳаларни ривожлантириш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, чегаралар ва боххона хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда кўмак беришни режалаштирмоқда.

2011 йил 7 апрель куни ташқи ишлар вазирлари даражасида Тошкентда ўтказилган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» учрашуви Европа Иттифоқи ва Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақалараро сиёсий мулоқотни янада жадаллаштириш ва мустақамлаш жараёнида навбатдаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Унда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича янги стратегиясининг бугунги кунгача бўлган ҳолати, минтақа давлатлари ҳамда Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари ва бошқа бир қатор ўзаро манфаатли долзарб масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

САРМОЯ КЎПАЯДИ

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида юртимизда мол муассасалари томонидан ана шу хўжалик юритувчи субъектларга ажратиладиган кредитлар ҳажми 1,3 баробарга кўпайиши кутилмоқда. Бу, ўз навбатида, ишбилармонларнинг иқтисодийимиз раёнақига ва халқим турмуш фаровонлигини оширишдаги улушини янада кўпайтириши, шубҳас**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда молия муассасалари сармойалари мазкур соҳани ривожлантиришда му аҳамият касб этмоқда. Банклар томонидан берилаётган маблағлар эса тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кенгайтириш билан бирга ички бозорни янги суллотлар — сифатли ва импорт ўрнини босувчи то билан бойитишга хизмат қилаётди.

«Амал-тож-савдо» масъулияти чекланган жамияти бошлаганига эндигина икки йил бўлишига қарамай, «Рокредитбанк»нинг молиявий мадади туфайли турли ўлчамдаги полистилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйди. Корхонада дастлаб ҳар ойда 15-20 та маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 35-40 тоннага етказилди. Бундай ютуқларга эришса эса хом ашё маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан олигани ҳамда цехлар замонавий технологиялар билан-ҳозлангани асосий омиллардан ҳисобланади.

— Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган и-хотлар натижасида иқтисодийнинг барча тармоқлар барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда, — ди «Амал-тож-савдо» МЧЖ раҳбари Раҳматилла Ғуломов. — Бу Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасиг 2010 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ри-ланштириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастури-нинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган «-лисидида маърузасида алоҳида таъкидланди. Ўтган-нинг ноябрь ойида фаолиятимизни кенгайтириш ма-диди «Микрокредитбанк»дан яна 90 миллион сўм қрт олдик. Ушбу маблағ эвазига биринчи чорак охирига янги маҳсулот — болажонлар учун ажойиб ўйинчар ишлаб чиқарувчи ускунани келтиришни мақсад қи-миз. Сирасини айтганда, сармоя — ривожланиш пе-вори.

МАҲОРАТИ ОШИБ БОРМОҚДА

**Айтиш жоизки, Юртбошимизнинг жақ бадийи хунармандчилиги ва амалии санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фарми мазкур соҳада хунарманд усталарга катта ютуқларга эришишларида қан бўлмоқда.**

Бир неча йиллардан буён бадийи сомон санъати-лан шуғулланиб келаётган хунарманд уста Отабек Йд-шев ҳам ишонч ва рағбат туфайли санъатнинг ушбузал тури бўйича қирқдан зиёд республика миқёсида ва халқаро кўргазмаларда ўзининг бежирим, нафис бе-тактор асарлари билан катнашиб келмоқда. Бугунга қаҳрамонлари қиёфаси ўзига хос акс эттирилган, он-дан кўллаб жараёнларини ўзида муҷассам қилган на-раралар, совғалар нафақат юртдошларимиз, балки жж-лик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Шу боис, фаолият доирамни кенгайтириб, айи ва манзарали санъатдан тасвирий санъат даражга кўтарилган бадийи сомон санъатини янада риван-тирмоқдан, — дейди хунарманд уста Отабек Йд-шев. — Ўтган йил ҳаётимизда ўчмас из қолдирди. Нки, Ўзбекистон Бадийи академиясида асарларим наёи-шини ўтказган бўлсам, Луцк (Украина) шаҳрида тсил этилган 6-халқаро фестивалда юртим шаънини эда юқори кўтариш учун иштирок этдим. Қалбим сиз гурурга тўлди, ишонч ва рағбат хунармандга қўш от-лигини юракдан ҳис этдим.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАВА

Транспорт

ЭЛЕКТРОВАЗЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

**Темир йўлнинг электрлаштирилга участкаларида йўловчи поездлари электровозлар тортмоқда. Бу электровозлар ўзига хос афзалликларга эга. Уларда машини учун барча қўлайликлар яратилган**

Бундан ташқари ушбу транспорт воситанин ҳаракат тезлиги «Ўзбекистон» электровозиндан анча юқори. Вагонларни тортишга ихтисосли-рилган электровозлар қатновини ташкил этюий-ихаси амалиётда ўз аксини топмоқда.

Бинобарин, замонавий электровозларни қелиш билан йўловчиларга хизмат кўрсатиш жараари такомиллашди. Электровозда кечаётган баржа-раёнларини унинг бўлинмасидаги компьютер о-ой-дин кўрсатиб турибди. Айни вақтда электрлар экологик жиҳатдан тоза бўлиб, ёнилғини тежи.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДН ФЙДАЛАНИЛМОҚДА

**Барча эски автомат телефон станциялари янги замонавий рақам алоқа тизими билан алмаштирилд**

Тошкент алоқа ва сигналлаштириш дистриаси раҳбарияти ташаббуси билан амалга ошган саёй-ҳаракат «Тошкент» минтақавий темир йўзе-лидаги телефон станцияларини юқори тездаги интернет тармоғидан фойдаланиш имконибер-ди. Натижада корхона учун қўшимча даро, то-пишга эришилди.

Анвар ВИБЕВ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришда аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда мамлакатимиз икки палатали парламенти томонидан қабул қилинган қонунлар билан бирга уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тегишли ижрочиларга етказиш, улар юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш давр талабидир. Аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини кўтариш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини кенг жамоатчиликка етказиш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида таъкидлангандек, «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга ошири-лаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юқсак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етук-лик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маъри-фатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғи-ботини тўбдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар да-стурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дасту-рининг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқаролар-да қонунга итоаткорлик туйғусининг янада орттишини таъминлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси-нинг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» ҳуқуқий ҳаётимизни тўб-дан яхшилашга хизмат қиладиган давлат ва жамият аҳамиятига молик ҳуқуқий ҳуж-жат сифатида хизмат қилиб келмоқда. Бун-дай ҳужжатнинг хорижий давлатлар қонун-чилиги амалиётида кузатиламанлиги ҳуқуқий давлат куриш йўлидаги барчанинг ҳаваси-ни келтирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат эканлигидан далолат беради. Юқсак ҳуқуқий маданият барча соҳадаги ислохот-лар, режа ва дастурларни рўйбга чиқаришга хизмат қиладиган, энг муҳими, Конститу-ция ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи ва-зифасини бажарадиган умуминсоний ва миллий қадриятдир. Мустақиллик йилла-рида қонун ҳужжатларининг сон ва сифат жиҳатидан тобора ривожланиб бораётган-лиги фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи давлат сиёсати даража-сига кўтаририлганлигини тасдиқлайди.

Статистик таҳлилларнинг кўрсатишича, 2011 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, 1991-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Рес-публикасининг амалдаги қонунлари 599 та, Ўзбекистон Республикаси кодекслари 15 та, Ўзбекистон Республикаси қонунлариға қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғриси-даги қонунлар 253 та, қучини йўқотган қонунлар сонин 109 та, жами 708 тадан ибор-ат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари 4289 та, Қарорлари 1490 та, фармойишлари 3607 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг қарорлари қайд этилган давр мобайнида жами бўлиб 9327 тани ташкил этади. Бу рақамлар, мустақиллик йиллари-да норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва унинг амалда бўли-шини таъминлаш борисида янги тарихий саҳифа очилганидан далолатдир. Идора-

вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2194 та-дан иборат бўлиб, шулардан 935 таси ўз-кучини йўқотган. Биргина икки палатали тизимга ўтганимиздан кейинги даврда қабул қилинган 346 та қонунни назарда тутгани-мизда ҳам бу борадаги миллий ҳуқуқий ти-зимни шакллантиришга устувор даражада эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг Концепцияси-да белгиланган устувор вазифаларни ба-жариш мақсадида, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2011 йил 14 январ-даги олтита Фармойиши билан давлат ҳоки-мияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эр-

Концепция: устувор вазифалар ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

кинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сай-лов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сай-лов қонунчилигини ривожлантириш, фуқа-ролик жамияти институтларини шакллан-тириш ва ривожлантириш, демократик бо-зор ислохотларини ва иқтисодийни либе-раллаштириш янада чуқурлаштириш йўналишлари бўйича 47 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрлани-ш режалаштирилган. Бу ҳам ўз навбатида қабул қилиниши назарда тутилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли-га етказиш бўйича кенг қамровли ҳуқуқий маданиятни юксалтириш чора-тадбирлари-ни амалга оширишни талаб этади.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси бил-ан демократик ислохотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш йўлидан бораётган мамлақати-мизда айни пайтда инсон ҳуқуқ ва эркин-ликларини энг олий қадрият сифатида асос қилиб олган миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Давлатимиз тарихида би-ринчи маротаба икки палатали парламен-т ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Ўтган вақт давомида ижтимоий, иқтисодий, сиё-сий ва маданий ҳаётда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Парламент назорати ин-ститути ролининг янада қучайиши жойлар-да қонунлар ижросини таъминлаш бўлса, сиёсий партиялар фракциясининг жорий этилиши жойлардаги ҳокимият вакиллик органларида улар таъбирининг янада оши-шига олиб келди. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг сифат ва асосланишлари янада яхшиланди. Айни пайтда шунинг ҳам таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, ҳу-сусан, суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаш-тирилиши, ўлим жазосининг бекор қили-ниши, қамоққа олиш тўғрисидаги санкция-нинг судларга берилиши, адвокатурга ин-

ститутининг янада ислоҳ этилиши, янги тах-рирдаги Солиқ кодексининг қабул қили-ниши ва бошқаларни амалга оширишда икки палатали парламентнинг роли бе-ниҳоя каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурла-штириш ва фуқаролик жамиятини шакллан-тириш Концепциясини суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга ошириш бўйи-ча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойи-шининг 6-бандига кўра бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олиб мамлақа-тимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий тарғиботни тўбдан ях-

шилашга йўналтирилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» лойиҳасини тайёрлаш вазифаси белгилан-ган. Миллий дастурнинг янги тахририни тайёрлаш ва кўриб чиқишнинг аҳамияти ва заруриятини бир қатор омилларга кўра та-всифлаш мумкин. Энг аввало депутатлар корпуси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, ҳимойи ташкилотларининг фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, юқсак ҳуқуқий онгини оши-риш бўйича ишларни ташкил этишдаги фа-олиятини самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур. Бундай кенг қўламли ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фаолият-ини амалга ошириш ҳуқуқий тарбия ва та-рғиботнинг замонавий таъсирчан шакл ва усулларида, ахборот коммуникация те-хнологиялари ва оммавий ахборот восита-ларининг имкониятларидан самарали фой-даланишни тақозо этади. Энг муҳими, аҳолининг, ҳуқуқий соҳа ходимларининг, маслаҳат бериш ва маърифат ишларни амалга оширувчи жамоат бирлашмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оши-ришга устувор вазифа сифатида қаралмоғи шарт. Қолаверса, фуқароларга ҳуқуқий таъ-лим бериш ва уларни тарбиялаш янада қонунларга, инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-ларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши-ни, қонунга итоаткор ҳуқуқ-атворни шакл-лантириш соҳасидаги ишларни самарали ташкил этишга нафақат сўзда, балки амал-да эришишни таъминлаш масаласига ало-ҳида аҳамият берилиши лозим. Шунинг-дек ҳуқуқий билимлар марказлари тармоқ-ларини, айниқса қишлоқ жойларда янада ривожлантиришни, масофадан туриб ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатиш ҳамда ом-мавий ахборот воситаларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратил-

ган доимий руқнларни кўпайтириш, ушбу соҳага оид янги ўқув дастурлари, дарслик-лар ва услубий қўлачларни ишлаб чи-қиш йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан эркин фойдаланишини кенгай-тириш билан боғлиқ бир қатор вазифалар-ни ҳал этиш қайд этилган миллий дастури-ни янги тахрирда ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Фуқароларнинг билим савияси ва ижро этиш масъулиятининг ошиши, тегишли тахсилотлар ман-сабдор шахслари ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи Жа-миятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-ни ривожлантириш борасидаги ислохотлар-ни амалга оширишда норматив ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур лойиҳани тайёрлаш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбир-ларни, шунингдек, амалдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»ни ҳаётга қўллаш тажрибасини инобатга олиб, асослантирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқ-да. Биринчидан, «Жамиятда ҳуқуқий мада-ниятни юксалтириш Миллий дастури»нинг мониторингини ўтказиб, мавжуд муаммо-лар, уларни ҳал қилиш чоралари ишлаб чиқишли зарур. Иккинчидан, ҳуқуқий тар-ғиботни идораларо мувофиқлаштириш-нинг самарали тизимини йўлга қўйиш мақ-садга мувофиқ. Учинчидан, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ме-диа режаларини ҳар йили ишлаб чиқиб, унинг ижросини тўлиқ таъминлаш чорала-рини кўриш зарур. Ушбу режада қонунчи-лик, ижро ва суд ҳокимиятининг бу бора-даги фаолият йўналишлари аниқ кўрсати-лиши лозим. Тўртинчидан, мамлакатимиз-да давлат корхоналари, нодавлат ташки-лотлари, таълим муассасалари, барча хўжа-лик юритувчи субъектларда олийк «Ҳуқуқий билимлар кунини» жорий этиш, ҳуқуқий тар-ғиботга оид махсус телекўрсатув ва ра-диоэшиттиришларни, уларнинг эфир вақт-ларини қатъий белгилаб, уни амалга оши-риш чораларини кўриш. Бешинчидан, аҳолининг ва ҳуқуқни қўловчи субъект-ларнинг ҳуқуқий хабардорлик даражасини ошириш мақсадида қонун ҳужжатларининг расмий манбалардан (шу жумладан элек-трон дастур шаклида) фойдаланиш имко-ниятини янада кенгайтириш лозим. Олтин-чидан, ҳуқуқий мавзуларда ёзадиган жур-налистларни тайёрлаш, уларни ихтисослаш-тириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъект-лар матбуот хизматларининг бу борадаги ваколатларини белгилаш ва уни такомил-лаштириш чораларини кўриш талаб этил-моқда. Еттинчидан, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳуқуқий тарғибот-да фаолиятини ошириш чораларини кўриш керак. Сақизинчидан, ҳуқуқий таълим ва маърифатга ҳамда ҳуқуқий билимлар тарғи-боти учун масъул бўлган мансабдор ва масъул шахсларнинг тасдиқланган режа ва дастурлар ижросини таъминлаш борасида-ги масъулиятини ошириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тиришда ҳуқуқий таълим ва билимни, маъ-рифатни яхшилашга қаратилган чора-тад-бирларни амалга ошириш фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ор-тишига хизмат қилади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ, юридик фанлари доктори, профессор



Саховат

КЎНГИЛЛАРГА МЕХР УЛАШИБ

Мехр-муруват кўрсатиш, ночор ва хасталарнинг кўнгиллари олиш, уларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Зеро, бу дунёнинг асл гўзаллиги, эзгулиги, хайру савоби ҳам шундадир.

Яқинда Тошкент телерадио узатиш марказида Юнусобод туманидаги ноғирон ўсмир болалар учун хайрия тadbири уюштирилди.

Аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш инсонийлик фазилатларидан энг савоблиси ва яхшисидир. — дейди Тошкент телерадиоси директори Хамидулла Холмухамедов. — Хар йили баҳор фаслида кўнгли кемтик болажонларнинг дилларини бир зум бўлсада нурафшон қилиш мақсадида муассасамизда хайрия тadbирлари мунтазам равишда ўтказиб келинади. Бу дунёнинг асл фарзи ҳам инсонларга ёрдам бериш, хаста ва ночор кўнгиллarga шодлик улашишдан иборатдир. Бугунги хайрия тadbири ёшлар ва уларнинг яқинларига озгина бўлсада қувонч, бахтиёрлик улашган, завқ-шавқ бағишлаган бўлса биз бундан мамнунимиз.

Тошкент телерадио узатиш маркази раҳбарияти томонидан ўн тўрт йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу хайрия тadbири ўзига хос қадриятларни қамраб олган. Унинг энг гўзали мехр ва муруватдир. 150 нафар болажонлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида ўтказилган тadbир тўқин дастурхон ва куй-қўшиқларга бой тарзда ўтди.

Болажонларнинг қувноқ кайфияти, кўзларидаги шодмонлик учкунлари йигилганларнинг ҳам дилларига кўчгандай таассурот қолдирди.

Набирам билан ушбу тadbирга бирга келганман, — дейди Дилбар Расулова. — Барча ота-оналар номидан Тошкент телерадио узатиш маркази раҳбарияти ва хо-

димларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Дунёнинг гўзаллиги мехр-оқибат, хайру саховат биландир. Илоҳим ҳаммамизнинг қалбимиз мехрга, муҳаббатга тўлиқ бўлсин. Юртимизда бундай хайрли ишлар эзгулик ва яхшиликка хизмат қилсин. Дунёни болажоннинг беғубор, беозор кулгилари тўтсин. Саховатли қалблар кўпчилигининг раҳматига ва олқишига сазовор бўлаверсин. Асосийси бағрикенг, жаннатмақон юртимизга кўз тегмасин. Хар биримизнинг босган қадамимиз эзгуликка тўлиқ бўлсин.

Тadbир сўнггида Тошкент телерадио узатиш маркази жамоаси томонидан болажонларга эсдалик совғалари улашилди. Дилбар кўшиқ ва шўх рақслар тadbирнинг мазмуни ва мароқли ўтишини таъминлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА



«Бунёдкор»нинг ёш футболчилари Россияда ўтган халқаро турнирда бош совринни қўлга киритди.

Болалар спорти

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимизда футболни ривожлантириш, ёш футболчиларда профессионал маҳорат ҳамда кўникмаларни шакллантириш, футбол клубларимиз ва терма жамоаларимизнинг ишончли захирасини яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада дастуруламал бўлаётди.

Юртбошимизнинг миллий футболимиз равнақига кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамқўрлигига жавобан юртимиз футболчилари халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди. «Бунёдкор» профессионал футбол клубидан хабар қилишларича, жамоанинг 2000 йилда туғилган болалардан ташкил топган таркиби Россиянинг Сочи шаҳрида ўтказилган халқаро футбол турнирида бош совринни қўлга киритган. Учинчи бор ўтказилган мазкур халқаро турнирда Россия, Ўзбекистон, Озарбойжон, Украина ва Қозғистондан жами 162 жамоа саккиз гуруҳда ғолиблик учун куч синашди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

Теннис

ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактабида ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро турнирнинг саралаш босқичида ўндан ортиқ мамлакат теннисчилари асосий тўрга йўлланма олиш учун куч синашмоқда.

Ўсмирлар ўртасидаги саралаш мусобақасининг биринчи босқичида ҳамюртимиз Тимур Ҳабибулин россиялик Дмитрий Попко устидан 4:6, 7:5, 6:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Қизлар ўртасидаги саралаш баҳсида истеъдодли теннисчимиз Кристина Жамолова қирғизистонлик Алина Харитоновани 7:6, 6:4 ҳисобида енгиб, асосий тўр йўлланмаси учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Байрам АЙТМУРДОВ, ЎЗА муҳбири

Баҳорнинг шифобахш неъматлари

Биз орзиқиб кутган баҳор даракчиларидан бири бойчечак, чучмома, бинафшалар бўлиб, улар фақат кўркем, жозибадорлиги билангина эмас, балки шифобахш наботот намуналари сифатида ҳам қадрдир.

БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ, ДАРМОН УЧУН ШАЙЛАНДИ

Бойчечак баҳорнинг илик нафасидан тупроқда мудроқда бўлган жойидан сергакчанга чиқади. Нозик-нихол, увочкани бойчечакнинг очилиб туришини кўрган болалар хурсанд бўлишиб, қувончлари оламга сиғмайди. Бойчечакни илик бор кўрган катта кишилар дилда ҳам илик бир нашида уйғонади. Тиббиёт оламида Воронов бойчечани ўз тарихида сақлайдиган доривор омиллари билан жуда қадрланади. Мазкур турдаги бойчечакнинг пиезбозисо таркибида талайгина шифо

бахш моддалар мавжуд. Чунончи, ўсимлик пиезбозисо таркибида 0,5-1,38 фоизгача алкалоидлар бўлади. Алкалоидлар жамламасига галантамин, ликорин, галантин каби моддалар жой бўлган. Воронов бойчечанинг олинанинг галантамин препараты 1954 йилда тиббиёт оламида ишлатилишига рухсат берилган, ҳозир бу доривор омилга бўлган эҳтиёж жуда ортиб кетган.

Бойчечакка назарингиз тўшса, унинг нафис-нихол кўркем қиёфасидан баҳра олинг, бироқ уни узманг.

ГУЛИ ТИЛЛАРАНГ

Диёримизнинг ҳиммат дастурхонини безайдиган, дармонбахш таомлар омили — момоқаймоқ ҳисобланади. Илк баҳордан бошлаб тилларанг гуллари билан киши назарини асир этувчи момоқаймоқни туб аҳоли гулқоқи, қоқи, тожиклар гули қаҳ-қаҳ, гули барра, ширғулак, руслар одуванчик номи билан юритишади. Бу гиёҳ аввал баҳорданюқ тупроқдан ниш уриб чиқиб, то ҳазонрезги даврларигача ўзининг бежирим гулларини намойиш этади.

Момоқаймоқ кўп йиллик, сут ширали гиёҳ. Барглари илдизолди тўп барглardan ташки топган бўлиб, патсимон кесик. Гул ўқи говакли устунча, гуллари эса тилло-зарғоли нусха бўлиб саватчага тўпланган.

Кўйингчи, барчангизга таниш бўлиб, ўлкамизда кўллаб учрайдиган бу гиёҳ йўл ёқаларини, ариқ, жилга бўйларини, бог, дала, сайхон ерларни ўзига маскан қилиб ўсади. Момоқаймоқнинг шифобахшлиги қадим замонлардан маълум. Қомусчи олим Абу Али ибн Сино ўсимликнинг сархил ширасини истиско ва жигар касалликларини даволашда қўллаган. Момоқаймоқнинг сут-шираси би-

лан кўзга тушган оқни даволаган. Газанда (чаён) заҳрини ўсимлик шарбати билан кесган. Ўсимлик ўтидан тайёрланган қайнатма ни ҳароратни пасайтирувчи, аъзоларни мустаҳкамловчи восита сифатида шамоллашда ичинни буюрган.

Қадимий юнон олими Теофраст момоқаймоқни териди мавжуд бўлувчи хусбузар ва доғларни кетказишда қўллашни тавсия этган. Кўҳна замонларда бу гиёҳни «ҳаёт шарбати» деб юритишган. «Махсан-ул-адвия» китобининг муаллифи Мухаммад Хусайнинг таърифига қараганда момоқаймоқ қон қушишни тўхтатади, меъдани мустаҳкамлайди.

Дано ХЎЖАЕВА, олий тоифали доришунос

ИФОРИ ХУШБЎЙ БИНАФША

Табий ҳол, агар бир кишининг қўлида бир тутам бинафша гулларини кўрсангиз унинг қанчалар жозибадорлигини ҳис этасиз. Чечакнинг ўзига хос атри-ифорига суқланиб, тўйиб ҳидлашга ошиқасиз.

Кўклар даракчиларидан бўлган бинафша дориворлик бобида ҳам қадимдан қадрланади. Бинафшанинг ер устки қисми қуритилиб далама тайёрланади, елимдек ёпишиб турган балғам осонлик билан кўчига омилкорлик қилади, буйрақдаги ва қовуқдаги тошларни туширишга ёрдам беради. Бинафшадан тайёрланган қайнатма халқ табобатида ангина, грипп, тумов каби касалликларда фарғара қилинади. Ташқи муолажа сифатида ишлатилса иллатли яра, чиққон, сизлогич, ишшларга эмлик қилиб, газак олишига йўл қўймайди. Шунингдек, халқ табобатида бинафша қайнатмаси қовуқ сустлигида мезёрлаштирувчи таъсир кўрсатади. Агар пешоб йўлида кум бўлса, ундан енгил қутулишга ёрдам беради.

Бодомча безларининг яллиғланишидан қутулмоқчи бўлсангиз 2 грамм атрофида қуритилган бинафша гиёҳидан олиб мўъжаз чойнақда 15 дақиқа қайнатилди. Сузиб олингач, шарбатидан ош қошиқ воситасида кунга тўрт маҳал истеъмол этилади.

Ўсимлик илдизини янчиб хашаротлар ҳамда ҳайвонлар озорлаган жойга қўйилса, дард-ни олади.

Илмий таботатда момоқаймоқ илдизи асосида тайёрланган қиём экстракт иштаха очиб, овқатни ҳазм қилиш жараёнини яхшилаш учун ҳамда ўт-сафро ҳайдовчи восита сифатида тавсия этилади. Ўсимлик асосида тайёрланган бир қатор йиғма чой ва халдорилар дорихона ва гиёҳшарбатхонада (фитобар) мавжуд.

Бизда айни Наврўзи оламда халқимиз момоқаймоқнинг мурғак ўтидан кўклатли чучвара, сомса-бичак, шулҳа (салат) каби фасли таомлар тайёрлаб истеъмол этадилар. Бундай анъанавий русумнинг ўз моҳияти билан инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши кўриниб турибди. Мойчечакнинг бундай хосиятларга бойлиги, унинг таркибига жой бўлган шифобахш моддалар жамламаси билан тушунтирилади. Унинг илдизи таркибиде 40 фоиз инулин, қанд, енгил сингувчи оқсиллар, тараксанчид, дармондорилар, микрооцуллар мавжуд бўлса, баргларида салмоқли микродор С,В2 белгилли дармондорилар, органик ациллар, илвил ва ошловчи моддалар мажмуаси бор.

Тўнда аслида кишилар ором оладилар. Аммо айримлари ҳам борки, улар тўнда сменада бўладилар, постда турадилар. Лекин тўнда «ишлайдиган» бошқа тоифа одамлар ҳам борки, уларнинг «фаолият»лари юқорида таъкидланганидан анчайин фарқ қилади. Сезган бўлсангиз керак, булар асосан тўнда ҳаракат қиладиган жижоатчилар тоифаси, аниқроғи, ўғриллардир.

«02»

ТУНГИ ШАРПА

Шайхонтохур туманида яшовчи Ф.Даврон янги солиб битирган ҳовлисига яқинда кўчиб ўтган, аммо уйнинг ҳали у ер-бу ерида чаласи бор эди. Жумладан, ҳовли деворлари мустаҳкам қилинмаган, эски дарвоза ҳали алмаштирилмаганди: «секин-асталик билан ҳаммасини қилаверамиз» деган ҳаёлда уларни янгилашга шовилмаган Даврон бир панд еғач, ишларини тезлаштириш лозимлигини англади. Гап шундаки, яқинда унинг ҳовлисига тун пайти ўғри тушиб, таъмирда фойдаланиб турган электр дрелини, ҳовлида турган эски телевизорни ва яна бир қанча «пиқоқа иланидиган» буюмларини ўмариб кетибди. Эрталаб воқеадан хабар топган Даврон дарҳол телефонини олиб «02» рақамини терди.

Ходимларнинг пухта олиб борган ишлари натижасида унинг ҳовлисига тўнда кирган «шарпа»нинг қимлиги аниқланди ва у ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Маълум бўлишича, у қўшни маҳаллада турувчи, ёши ўттизга чиқиб ҳам бирор фойдали ишининг бошини тутмаган Л.Фарход экан. Энди у оқибатини ўйламай қилган иши учун жавоб бериб, тергов олдида бош эгиб ўтирибди.

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими, майор



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ХУРМАТ ВА ҚАДР-ҚИММАТ ҲАҚИДА Дарахтнинг қиммати — берган ҳосилига қараб белгиланади.

Иззатини билмаган — қадрини йўқотади.

Қадр-қимматга эришган одам — мехр меваларини теради.

Қиммат — беҳикмат бўлмас, арзон — беиллат.

Қадр-қиммат — қоядек юксак.

Одамнинг қиммати — бебаҳо.

Инсоннинг камолотини жавоҳирлаш ҳам ўлчай олмайди.

Хурмат билан хушомад — бог била тоғдек фарқлидир.

Яхши — яхшига ёндаштиради, ёмон — йўлдан адаштиради.

Ёмоннинг мақташидан қоч!

Қадрингни билганга қирқ йил эгил!

Ёши каттанинг хурмати фарз.

Гавҳарни лойга отсалар-да, қиммати пасаймайди.

Олтинни улоқтириб синдирсаларди баҳосини йўқотмайди.

Хурматда — шарофат, хушоматда — касофат бор.

Бошқаларнинг инсоний ҳуқуқларини хурмат қилувчи — хурматлидир.

Хурмат билан бир кўнгилни шос этиш — етти савоб.

ФИДОКОРЛИК ҲАҚИДА

Фидокорлик — бахт сари боради: йўл.

Фидокорлик — инсон фаолиятини олий чўққисидир.

Фидокордан тўсиқлар кўрқади.

Фидокорлик — ғалабанинг онаси.

Фидокор — ватанпарвар ва инсо парвардир.

Ҳаёт нуқсонларини фидойилар дэ этадилар.

Фидокорлар бирлиги — тоғни ҳи кулата олади.

(Давоми бор)

Weather forecast for Tashkent: 7 April, 20-25°C, 7-12 mm precipitation. Includes a small graphic of a sun and clouds.

«Rudomaxyo'lovshiyuktrans» МЧЖига Тошкент-ҳар йўловчи ташишни ташкил этиш департамент-монидан Газел рўсумли, 30 Р 0289 ва 01A286FA-злат рақамли микроавтобусларга берилган АТ№0045 ва АТ№ 0039253 — сонли муддати 12.09.2011а 12.09.2011 йилгача бўлган лицензия варақалари йт-ганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Advertisement for Akmal AKROMOV, head editor. Contact info: Manzilimiz: 100029, Toshkent shaxri, Matbutochilar kuchasi, 32. Phone: 233-28-95, 236-57-65. Fax: (371) 232-11-39.

Advertisement for 'Dushanba, sehanba, choriyanba, pashanba va juma kunlari chikadi.' Phone: 233-28-95, 236-57-65. Fax: (371) 232-11-39.

Advertisement for 'Gazeta Toshkent shaxar Matbut va axborot bosqarmasida 02-1-raqam bilan ruyxatga olingan.' Phone: 233-28-95, 236-57-65. Fax: (371) 232-11-39.

Advertisement for 'Sharq' newspaper. Phone: 233-28-95, 236-57-65. Fax: (371) 232-11-39.